52 (604)-сон

-145 -

702-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ КАРОРИ

702 Ўзбекистон Фермерлари кенгаши тизими фаолиятини молиялаштириш маблагларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2542

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ−4478-сонли «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 43-сон, 493-модда) мувофик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:** 

- - 2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

### Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш., 2013 йил 26 ноябрь, 108-сон

**К**ишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари


Ш. ТЕШАЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 26 ноябрь, 02/528-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш., 2013 йил 26 ноябрь 327-В-сон





702-модда — 146 — 52 (604)-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 ноябрдаги 108, 02 / 528, 327-В-сон қарорига ИЛОВА

# Ўзбекистон Фермерлари кенгаши тизими фаолиятини молиялаштириш маблагларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўгрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сонли «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 43-сон, 493-модда) мувофик Ўзбекистон Фермерлари кенгаши тизими фаолиятини молиялаштириш учун маблагларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

### I боб. Умумий қоидалар

- 1. Ушбу Низом фермерлар кенгашларини молиялаштириш учун фермер хужаликларининг фермерлар кенгашларига аъзолик бадали туловини амалга ошириш хамда фермерлар кенгашлари хисобварагига келиб тушган маблагларни туплаш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш учун татбик этилади.
- 2. Фермерлар кенгаши Уставига мувофик кенгаш фаолиятини молиялаштириш манбалари куйидагилар хисобланади:

аъзолик бадаллари;

хайрия маблаглари ва грантлар;

тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад (фойда);

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

## II боб. Маблағларни шакллантириш

- 3. Фермерлар кенгашига аъзолик бадали микдори Фермерлар кенгаши Уставига мувофик фермер хужаликларининг махсулот сотишдан келиб тушадиган соф тушумнинг 0,1 фоизи микдорида белгиланади.
- 4. Туман Фермерлар кенгаши туманда фаолият курсатаётган хар бир фермер хужаликлари билан ихтиёрийлик асосида аъзолик шартномаси (кейинги уринларда Шартнома деб юритилади) тузади.
- 5. Туман Фермерлар кенгаши Уставида белгиланган вазифалардан келиб чикиб, Шартномада қуйидаги мажбуриятлар күрсатилади:



фермерликни ривожлантириш, фермер хужаликларининг моддий ва молиявий базасини мустахкамлаш хамда уларнинг мулкий муносабатлари ишончли химоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш буйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фермер хужаликларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, жумладан, давлат ва хужалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан, тайёрлов, таъминот ва хизмат курсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, шунингдек судларда ишлар куриб чиқилаётганда;

фермер хужаликларини ташкил қилиш ва қайта ташкил этишда, уларга ер майдонларини узоқ муддатли ижарага ажратиб беришда ошкоралик, очиклик ва қонунийлик тамойилларини таъминлаш мақсадида жамоат назоратини амалга ошириш;

куп тармоқли фермер хужаликларини ривожлантиришда, сувни тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда томчилатиб сугоришни, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини уларнинг фаолиятига татбиқ этишга кумаклашиш.

Туман Фермерлар кенгаши зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам булиши мумкин.

- 6. Фермер хужалиги Шартнома буйича мажбуриятларни бажаришни уз зиммасига олади.
- 7. Туман Фермерлар кенгаши ҳосил йили бошида фермер ҳужаликларининг давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган маҳсулотнинг белгиланган ҳарид нарҳларидан ва бошҳа маҳсулотларнинг ўртача бозор нарҳларидан келиб чиҳиб, маҳсулот сотишдан кутилаётган йиллик соф тушум миҳдори прогноз ҳисобини чиҳаради.
- 8. Шартнома бўйича аъзолик бадаллари суммаси фермер хўжаликларининг хисобварагига махсулот сотишдан келиб тушадиган амалдаги соф тушум микдоридан келиб чикиб тўланади.
- 9. Фермер хужалагининг соф тушуми ҳақидаги маълумот тақдим этиш ҳамда аъзолик бадалларини тулаш муддатлари тузиладиган шартномага мувофиқ белгиланади.
- 10. Аъзолик бадалини тулаш тулов топширикномалари оркали амалга оширилади.
- 11. Туман Фермерлар кенгаши аъзолик бадали тулови учун шартнома ва қонун хужжатларига мувофик тулов талабномасини такдим килиши мумкин.
- 12. Туман Фермерлар кенгашининг хисобварағига келиб тушган маблағлар кейинги банк кунидан кечикмасдан тулов топшириқномаси орқали худудий Фермерлар кенгашининг хисобварағига утказиб берилади.

Худудий Фермерлар кенгашининг хисобварагига келиб тушган маблаглар кейинги банк кунидан кечикмасдан тулов топширикномаси оркали тугридан-тугри Узбекистон Фермерлари кенгаши ижро этувчи аппаратининг хисобварагига утказиб берилади.



702-модда — 148 — 52 (604)-сон

# III боб. Маблаглардан фойдаланиш

- 13. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ижро этувчи аппаратининг хисобварагида жамланган аъзолик бадаллари маблагларидан хар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган холда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши томонидан тасдикланадиган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, худудий ва туман фермерлар кенгашларининг йиллик харажатлар сметаларига мувофик мутаносиб равишда фойдаланилади.
- 14. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, худудий ва туман фермерлар кенгашларининг хисобваракларига хайрия маблаглари ва грантлар, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад (фойда) ва конун хужжатларида такикланмаган бошка тушумлар хисобидан келиб тушадиган маблаглар мазкур кенгашлар тасарруфида колади ва ушбу маблаглардан ўз Уставларида кўрсатилган максад ва вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланади.

### IV боб. Жавобгарлик ва назорат

- 15. Туман Фермерлар кенгашларининг Уставида белгиланган вазифалар асосида уларга фермер хужаликларини куллаб-кувватлаш юзасидан жавобгарлик юклатилади.
- 16. Фермерлар кенгашлари харажатлар сметаларининг тўгрилиги ва асосланганлиги учун хамда маблагларни мақсадли ишлатилишига шахсан жавобгардирлар.
- 17. Маблағларни тўғри ва мақсадли ишлатишни назорат қилиш Ўзбекистон Фермерлари кенгаши зиммасига юклатилади.

## V боб. Якуний қоидалар

- 18. Мазкур Низомнинг талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар булади.
  - 19. Мазкур Низом Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси

С. ТУРДИЕВ

2013 йил 26 ноябрь

